



## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИНГ РЕНТАБЕЛЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Содиқжон Мамадиллаевич Зиёдуллаев

Термиз давлат университетининг мустақил изланувчиси

[ziyodullayevsodiqjon@mail.ru](mailto:ziyodullayevsodiqjon@mail.ru)

тел: +998902454747

**АННОТАЦИЯ:** Тижорат банклари активларининг рентабеллигига баҳо беришда активларнинг даромадлилик даражасига баҳо бериш муҳим ўрин тутади. Ўз навбатида, халқаро банк амалиётида тижорат банклари активларининг даромадлилигига баҳо беришда бир қанча методикалардан фойдаланилади. Биз ана шу методикалардан бир қанчасини кўриб чиқамиз.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Тижорат банклари, активларнинг рентабеллик даражаси, даромадлилик даражаси, рейтинг, CAMELS, ризк, банк фойдаси, қимматли қофозлар.

Тижорат банклари активларининг рентабеллигига баҳо беришда активларнинг даромадлилик даражасига баҳо бериш муҳим ўрин тутади. Ўз навбатида, халқаро банк амалиётида тижорат банклари активларининг даромадлилигига баҳо беришда “CAMELS” рейтинг тизимидағи методикадан кенг фойдаланилади.

### 1-жадвал

#### “CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банкларининг даромадлар бўйича рейтинги<sup>1</sup>

Рейтинг	Асосий мезонлар
1 – кучли	Даромадлар барқарор ва операцияларни амалга ошириш, капиталнинг етарлилигини таъминлаш ва захираларни шакллантириш учун, даромадларнинг сифати, миқдори ва динамикасига таъсир қилувчи активларнинг сифати, ўсиши ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда, етарлидир.
2 – қониқарли	Даромадлар қониқарли ҳисобланади. Улар операцияларни амалга ошириш, капиталнинг етарлилигини таъминлаш ва захираларни шакллантириш учун етарли. Аммо, банк

<sup>1</sup> Supervision and Regulation. CAMELS rating system. <https://www.federalreserve.gov>.



	даромадларни қайд этилган омиллар таъсирида камайиш эҳтимоли мавжуд.
3 – ўрта	Даромадлар яхшиланиши керак ва улар операцияларни амалга ошириш, капиталнинг етарлилигини таъминлаш ва захираларни шакллантириш учун, даромадларнинг сифати, миқдори ва динамикасига таъсир қилувчи активларнинг сифати, ўсиши ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда, етарли эмас.
4 - чегаравий	Даромадлар етарли эмас, улар операцияларни амалга ошириш, капиталнинг етарлилигини таъминлаш ва захираларни шакллантиришни зарур даражада таъминлай олмайди. Рейтингнинг ушбу даражасини олган тижорат банклари учун фойда ва соф фоизли маржанинг бекарор тебраниши, сезиларли салбий тенденцияларнинг мавжудлиги, номинал ва бекарор даромадлар, даврий заарлар ва даромадларнинг олдинги йилларга нисбатан камайиши хос.
5 - қониқарсиз	Даромадлар етарли эмас. Тижорат банки сезиларли даражада заар кўраётганлиги сабабли капиталининг йўқотилиши юз бермоқда ва бунинг натижасида унинг молиявий барқарорлиги хавф остида қолмоқда.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, “CAMELS” рейтинг тизими доирасида банкларнинг даромадларини баҳолашда тижорат банкларига бешта рейтинг баҳоси берилмоқда. Бунда энг юқори рейтингга (1) эга бўлган банкларда даромадларнинг барқарорлиги ва уларни операцияларни амалга ошириш, капиталнинг етарлилигини таъминлаш ва захираларни шакллантириш учун етарлилиги асосий мезонлар сифатида олинмоқда.

Даромадлари бўйича қониқарсиз рейтингга (5) эга бўлган банкларда даромадлар етарли эмас ва қўрилаётган заарлар миқдори катта бўлганлиги сабабли капиталнинг камайиши юз беради.

**2-жадвал**






**Deutsche Bank да (Германия) соф фоизли даромад ва соф фойда  
миқдори, млн. евро<sup>2</sup>**

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
<b>Соф фоизли даромад</b>	13316	13749	11526	11125
<b>Соф фойда</b>	624	0	341	251

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, Deutsche Bank да соф фоизли даромад миқдори 2019 йилда 2018 йилга нисбатан кўпайган. Аммо, 2021 йилда соф фоизли даромад миқдори 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Deutsche Bank да соф фойда миқдори 2019 йилда 2018 йилга нисбатан кескин камайган. Аммо, 2021 йилда соф фойда миқдори 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган.

Deutsche Bankда 2021 йилда 2020 йилга нисбатан соф фойда миқдорининг камайганлиги мазкур даврда соф фоизли даромад миқдорининг камайганлиги билан изоҳланади ва ушбу ҳолат банкнинг молиявий мустаҳкамлигини ошириш борасида салбий ҳолат ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, Deutsche Bankда захира ажратмаларининг ҳақиқатдаги даражаси унинг меъёрий даражасидан (1,0%) паст эканлиги унинг молиявий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.



<sup>2</sup>Жадвал Annual Reports. Concololidated Balance Sheet. Concololidated Statement of income. [www.db.com](http://www.db.com) (Deutsche Bank) интернет-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.




### 1-расм. Bank of Americада кредитларнинг даромадлилиги, фоизда<sup>3</sup>

1-расмда келтирилган маълумотлардан аниқ кўриш мумкинки, Bank of America томонидан саноат корхоналарига берилган кредитларнинг даромадлилиги 2017-2021 йилларда сезиларли даражада ўзгармасдан, барқарор даражада қолган. Масалан, 2021 йилда кредитларнинг даромадлилик даражаси 2020 йилга нисбатан сезиларсиз даражада, яъни 0,4 фоизли пунктга пасайган. 2020 йилда эса, кредитларнинг даромадлилик даражаси 2019 йилга нисбатан 0,5 фоизли пунктга ошган.

Таҳлил натижалари қўрсатдики, Bank of Americанинг лизинг шартномалари суммасининг умумий ҳажмида энг юқори салмоқни фойдаланиш хуқуки лизинги эгаллайди.

Шунингдек, Bank of Americанинг лизинг кредитлари ҳажмида ўзгарувчан лизинг кредитлари нисбатан кичик салмоқни эгаллайди.



### 2-расм. Дойчебанк (ГФР) ва Парибас банкда (Франция) саноат корхоналарига берилган кредитлардан кўриладиган заарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражаси, фоизда<sup>4</sup>

2-расм маълумотларидан кўринадики, Дойчебанқда 2017-2021 йилларда саноат корхоналарига берилган кредитлардан кўриладиган заарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси жуда паст бўлган. Фақат, 2020 йилда ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2019 йилга нисбатан сезиларсиз даражада

<sup>3</sup> Расм муаллиф томонидан Bank of America банкининг 2017-2021 йиллар якуни бўйича эълон қилинган йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида ([www.bankofamerica.com](http://www.bankofamerica.com)) тузилган.

<sup>4</sup> Расм муаллиф томонидан Дойчебанк ва Парибас банкнинг 2017-2021 йиллар якуни бўйича эълон қилинган молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.



(0,2 ф.п.) ошган. Мазкур ҳолатлар кредит рискини бошқариш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

2-расм маълумотларидан аниқ кўриш мумкинки, Парибас банкда 2017-2021 йилларда саноат корхоналарига берилган кредитлардан кўриладиган заарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси жуда паст ва барқарор бўлган. Бу эса, кредит рискини бошқариш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Таҳлил натижалари кўрсатдики, 2017-2021 йилларда Дойчебанк активларининг умумий ҳажмида кредитлар ва қимматли қофозларга қилинган инвестициялар юқори салмоқни эгаллайди. Бу эса, банкларни кредитлаш институти эканлиги ва қимматли қофозлар бозорининг фаол профессионал иштирокчиси эканлиги билан изоҳланади.

Тижорат банклари учун вақтингчалик бўш пул маблағларини Марказий банкнинг депозит ҳисобарқамларига жойлаштириш риск даражаси паст бўлган актив операция ҳисобланади. Чунки, Марказий банкнинг жалб қилинган депозитларни қайтара олмай қолиш эҳтимоли жуда паст. Аммо, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда тижорат банкларининг ролини ошириш нуқтаи - назаридан мазкур депозитлар ҳажмининг ошиши салбий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банклари томонидан Марказий банкда депозит сифатида жойлаштириладиган пул маблағлари миқдорининг кўпайиши миллий иқтисодиётга банклар томонидан йўналтириладиган кредитлар миқдорининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг қимматли қофозларига қилинаётган инвестициялар миқдорининг камайишига олиб келади.

Таҳлил натижалари кўрсатдики, 2017-2021 йилларда Дойчебанк томонидан саноат корхоналарига берилган кредитларнинг даромадлилик даражасини ўсиш тенденцияси кузатилган. Бунинг устига, мазкур давр мобайнида кредитлардан кўриладиган заарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси паст бўлган. Бу эса, таснифланган кредитлар таркибини яхши эканлигидан далолат беради. Бунинг сабаби шундаки, кредитлардан кўриладиган заарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорининг ортиши бевосита таснифланган кредитлар таркибида юз берадиган ўзгаришларга боғлиқ.

Тараққий этган мамлакатларда банк тизимиning ривожланганлиги иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиялаштириш манбаларига бўлган талабларини қондириш имконини беради. Хусусан, банк тизимиning ривожланганлиги хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитларга, шу жумладан



инвестицион кредитларга бўлган эҳтиёжларини қондириш имконини беради. Бироқ, хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзи ҳам кредитни қайтара оладиган даражада тўловга қобилликка эга бўлиши зарур. Юқори ликвидли гаровга эга бўлиш дегани унинг тўловга қобил дегани эмас.

Қимматли қофозларга қилинган инвестициялар тижорат банкларининг муҳим даромад манбай бўлиш билан бирга, уларнинг ликвидлилигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутади.

Корпоратив қимматли қофозларга ва ҳосилавий қимматли қофозларга қилинган инвестициялар тижорат банкларига катта миқдорда даромад келтирса, Ҳукуматнинг қимматли қофозларига қилинган инвестициялар тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш имконини беради.

Тараққий этган мамлакатларнинг тижорат банкларида саноат корхоналарини кредитлаш жараёнида юзага келадиган кредит рискларини бошқаришда асосий эътибор кредит рискларини хеджирлашга қаратилмоқда.

Ўз навбатида, кредит рискини хеджирлашда куйидаги усуллардан фойдаланилмоқда:

1. Кредитли дефолтли своп (credit default swap).
2. Кредитли дефолтли опцион (credit default option).
3. Кредитли спрэд опцион (credit spread option).
4. Ялпи даромадга своп (total return swap).
5. Кредитли ноталар (credit notes).

Тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида замонавий портфель назарияси муаммоли кредитларни бошқариш амалиётига жорий қилинган. Натижада:

муаммоли кредитларнинг даражасини тавсифловчи кўрсаткичларнинг меъёрий даражаларини таъминлаш талаби банкларнинг Кредит сиёсатида мажбурий шарт сифатида белгилаб қўйилган;

кредитларнинг даромадлилик даражасини ўзгариши билан кредитлардан кўриладиган заарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражасининг ўзгариши ўртасидаги боғлиқликни ўз вақтида аниқлаш имконини берадиган моделлар жорий қилинган;

ҳар бир кредитлаш шакли бўйича юридик шахс мақомига эга бўлган мижозларнинг банк кредитидан фойдаланишнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси белгилаб қўйилган.

Амалиётда, кредит муносабатларида юзага келаётган муаммолар кўрсатмоқдаки, мажбурият ижросини у ёки бу усули билан таъминланганлик



кредитор учун кредитни ундириш билан боғлиқ муаммо бартараф этилди, дегани эмас. Чунки, таъминланганлик тамойилига доир тадбирлар банклар томонидан қанчалик мукаммал амалга оширилган бўлмасин, мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, банклар олдида мижоз таъминотига муносабат обьекти қиймати доирасида гаров обьектига нисбатан эгалик хуқуқини олишда муаммолар юзага келмоқда. Бу муаммолардан бири, мажбурият ижросини таъминотга қаратиш жараёнида суд қарорини олиш билан боғлиқ муаммодир. Бу жараён узоқ давом этиши, ортиқча оворагарчиликлар билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг мавжудлиги билан муаммолар туғдирмоқда. Шунингдек, учинчи шахслар кафиллигини амалиётда қўллашда ҳам қатор муаммолар мавжуд.

### 3-жадвал

#### **Bank of America банкида (АҚШ) брутто активлар ва регулятив капиталнинг рентабеллик даражалари<sup>5</sup>, фоизда**

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Брутто активлар рентабеллиги	0,8	1,2	1,1	0,6	1,0
Регулятив капитал рентабеллиги	6,8	10,6	10,4	6,6	11,8

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, Bank of America банкида брутто активларнинг рентабеллиги 2021 йилда 2017 йилга нисбатан 0,2 фоизли пунктга ошгани ҳолда, регулятив капиталнинг рентабеллиги 5,0 фоизли пунктга ошди.

Bank of America банкида брутто активларнинг рентабеллигини 2021 йилда 2017 йилга нисбатан 0,2 фоизли пунктга ошганлиги қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

2021 йилда 2017 йилга нисбатан соф фойданинг ўсиш суръати 75,4 фоизни ташкил этгани ҳолда, брутто активларнинг ўсиш суръати 38,9 фоизни ташкил этди;

ушбу даврда банк томонидан берилган кредитларнинг ўсиш суръати нисбатан паст бўлди (4,3 %).

<sup>5</sup> Жадвал муаллиф томонидан [www.bankofamerica.com](http://www.bankofamerica.com) сайти (Annual Report. 2017, 2018, 2019, 2020, 2021) маълумотлари асосида тузилган.



Bank of America банкида регулятив капиталнинг рентабеллигини 2021 йилда 2017 йилга нисбатан 0,2 фоизли пунктга ошганлиги қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

2021 йилда 2017 йилга нисбатан соф фойданинг ўсиш суръати 75,4 фоизни ташкил этгани ҳолда, регулятив капиталнинг ўсиш суръати атиги 1,1 фоизни ташкил этди;

мазкур даврда банк соф фойдасининг юқори ўсиш суръати, асосан, фоизсиз даромадларнинг ошиши ва фоизсиз харажатларнинг камайиши ҳисобига юз берди: 2021 йилда 2017 йилга нисбатан банкнинг фоизсиз даромадларининг микдори 9,0 фоизга ошгани ҳолда, фоизсиз харажатлар микдори 9,6 фоизга камайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Supervision and Regulation. CAMELS rating system. <https://www.federalreserve.gov>.
2. Жадвал Annual Reports. Concolidated Balance Sheet. Concolidated Statement of income. [www.db.com](http://www.db.com) (Deutsche Bank) интернет-сайти маълумотлари.
3. Bank of America банкининг 2017-2021 йиллар якуни бўйича эълон қилинган йиллик ҳисботи маълумотлари ([www.bankofamerica.com](http://www.bankofamerica.com)).
4. Дойчебанк ва Парибас банкнинг 2017-2021 йиллар якуни бўйича эълон қилинган молиявий ҳисботлари маълумотлари.
5. [www.bankofamerica.com](http://www.bankofamerica.com) сайти (Annual Report. 2017, 2018, 2019, 2020, 2021) маълумотлари.
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисбот//[www.cbu.uz](http://www.cbu.uz).

